

Ёлфон ризқни камайтиради



19:35 / 17.06.2019 2823

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ота-онага яхшилик қилиш умрни зиёда қилади. Ёлфон ризқни камайтиради. Дуо қазони қайтаради», дедилар».

Дайлабий ривоят қилган.

Ушбу ҳадисда ёлфоннинг бу дунёдаги зарарларидан бири – ризқни камайтириши зикр қилиняпти. Демак, Аллоҳ таоло ёлфончи кишининг уйдан, корхона бошлиғининг корхонасидан, ёлфончи подшоҳнинг юртдан баракани кўтаради, ризқларини қисқартириб қўяди. Ушбу ҳақиқатни бугунги кун тажрибасида ҳам кўриб турибмиз.

Ёлфончилиги билан танилган нусхаларнинг ҳаётига назар солсангиз, ризқи қисқалигини кўрасиз. Улар ўзларининг ёлфончилик сифати уларга бу дунё ва охирада яхшилик келтирмаслигини теран англаб етишлари керак. Жумладан, бу дунёда ризқлари тор бўлиб, топганлари баракасиз бўлиб, дуч келгандан қарз сўраб юришлари бежиз эмаслигини тушунишлари лозим.

Демак, бу дунёю у дунёнинг бахтига эришмоқчи ва икки дунёнинг азоб-уқубатидан, шармандалигидан қутулмоқчи бўлсак, ризқимизнинг кенг ва сероб бўлишини истасак, ёлғондан қутулишимиз лозим экан. Бу ишда каттаю кичик, эркагу аёл, фуқарою амалдор, шоҳу гадо баробар ҳаракат қилмоғи лозим. Ана шундагина яхшиликдан умид қилсак бўлади.

Аллоҳ таоло барчамизни ёлғончиликдан ва ёлғончиларнинг касридан Ўзи асрасин! Омин!

“Ёлғон” китобидан